

Маҳалла фуқаролар йиғинлари учун ўқув семинари ўтказилди



Сўнги 2 йилда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасига оид қабул қилинган 30 дан ортиқ Қонун, Фармон, Қарор ва норматив меъёрий ҳужжатлар ҳамда Давлатимиз Раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ва ҳудудларга ташрифи мобайнида соҳага оид белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти, уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва кенг оммага тадбиқ этиш мақсадида соҳа ходимлари учун ўқув семинари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Баҳром Кушбаков иштирокида ўтказилган ўқув семинарида ана шу масалалар юзасидан Термиз тумани Термиз шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларига билим ва кўникмалар ҳамда тушунтиришлар берилди.